

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ИМОМНАЗАРОВА ШАҲОДАТХОН ХАБИТОВНА**

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА ЎЛАН ЖАНРИ**  
**(ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва бадиияти)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

УЎК: 398.83:392.51(575.1)(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Имомназарова Шаҳодатхон Хабитовна**

Ўзбек фольклорида ўлан жанри (ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва бадиияти) .....3

**Имомназарова Шаҳодатхон Хабитовна**

Жанр улан в узбекском фольклоре (специфика, генезис и поэтика).....24

**Imomnazarova Shahodatxon Xabitolvna**

Genre ulan in Uzbek folklore (specificity, genesis and poetics) .....48

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....52

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ИМОМНАЗАРОВА ШАҲОДАТХОН ХАБИТОВНА**

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА ЎЛАН ЖАНРИ  
(ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва бадиияти)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil96 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Жўраев Маматқул</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ёрматов Исомиддин Турғунович</b> филология фанлари доктори, профессор
	<b>Қаҳхорова Шаҳноза Абдумўминовна</b> филология фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Бухоро давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади.  
(Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-14; e-mail: [uzlit@uzsci.net](mailto:uzlit@uzsci.net)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Назаров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик.

**Р.Баракаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

**Т.Мирзаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, ф.ф.д., академик.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида халқ лирикасининг жанрлар таркиби ва поэтикасини тадқиқ этишга, айниқса, кўшиқларнинг тарихий асослари ва поэтикасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада халқ кўшиқларининг мукамал таснифи яратилиб, ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ва поэтик табиатига доир назарий қарашларни такомиллаштиришга эришилди. Фольклоршуносликнинг бундай устувор назарий концепциялари ўзбек халқ оғзаки ижодининг генезиси, бадиий эволюцияси ва мамлакатимизнинг маънавий-маданий тараққиётида тутган ўрнига доир янги хулосалар чиқариш имконини беради.

Халқ кўшиқларининг келиб чиқиш тарихи ва генетик асосларини аниқлаш дунё фольклоршунослигининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, ҳозирги кунда бу масалада асосан, икки хил назарий концепция илгари сурилмоқда: жумладан, фольклор жанрлари типологияси ва назарий поэтика асосларини ишлаб чиққан ритуал-мифологик мактаб таълимотига кўра кўшиқлар генезиси қадимги оилавий-маиший, мавсумий ва ритуал-рамзий маросимларда ижро этилган айтимларга боғлиқ деб қаралса, антропологик назария тарафдорлари халқ лирикасининг тадрижий ривожига фольклор ижрочиларининг бадиҳагўйлик иқтидорини асос қилиб кўрсатадилар. Бу эса ижро усули айтишув асосига қурилган ўлан, лапар каби жанрларнинг бадиий эволюциясини изчил тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин асрлар мобайнида кишилар қалбига эзгуликни жо этиб келган ўзбек фольклорини чуқур ўрганиш, унинг бадиий жиҳатдан энг мукамал намуналарини чоп этиш ва кенг оммалаштириш орқали халқимиз поэтик тафаккурининг дунё цивилизациясида тутган муносиб ўрнини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, «ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади»<sup>1</sup>. Бу эса аждодларимизнинг бой номоддий маданий мероси, жумладан, ўланларни кенг кўламда тадқиқ ва тарғиб этиш борасидаги илмий ишларни ҳам жадаллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2016, 15 декабрь. – № 247.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли «2010–2020 йилларда Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида халқ кўшиқларининг ўзига хос жанр хусусиятларини тавсифлаш асосида уларнинг мукамал таснифини яратиш, кўшиқлар композицияси, поэтик тили ва шеър тузилишини ўрганиш, жаҳон халқлари кўшиқчилик ижодиётининг тараққиётига таъсир кўрсатган тарихий-маданий омилларни аниқлаш филологик тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланган. Хусусан, В.П.Аникиннинг «Фольклор назарияси» китобида<sup>1</sup> халқ лирикасининг композицияси, поэтикаси ва семантикаси масалалари ёритилган бўлса, В.А.Котелянининг «Поэтик фольклор назарияси» номли тадқиқотида<sup>2</sup> кўшиқларнинг жанрий табиати ва назарий асослари ойдинлаштирилган. Халқ лирикасининг поэтик табиати Н.П.Колпакова, С.Г.Лазутин, Н.И.Кравцов, В.И.Еремина томонидан чуқур ўрганилган<sup>3</sup>.

Кейинги йилларда туркий халқлар фольклоршунослигида ҳам халқ кўшиқларининг миллий ўзига хослиги, таснифи ва бадий хусусиятларини ўрганишга доир янги тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, Р.С.Сулейманов, К.Н.Гафиуллина, А.И.Наева, М.А.Жанкезова, Е.Н.Квиленкова, М.А.Сахаватова, К.Р.Идрисоваларнинг ишларида<sup>4</sup> халқ лирикаси жанрлар тизимининг шаклланиш тамойиллари, халқ турмуш тарзи ва дунёқарашининг

<sup>1</sup> Аникин В.П. Теория фольклора. Второе издание. – М.: КДУ, 2007. – 432 с.

<sup>2</sup> Котеля В.А. Теория песенного фольклора. – Белгород, 2007. – 127 с.

<sup>3</sup> Колпакова Н.П. Русская народная бытовая песня. – М–Л., 1962. – 282 с.; Лазутин С. Г. Очерки по истории русской народной песни. – Воронеж, 1964. – 151 с.; Кравцов Н.И. Поэтика русских народных лирических песен. Ч. 1. Композиция. – М., 1974. – 92 с.; Еремина В.И. Поэтический строй русской народной лирики. – Л., 1978. – 184 с.

<sup>4</sup> Сулейманов Р.С. Башкирская народная песня (проблема жанровой системы): Автореф. дисс. ... док. искусствоведения. – СПб., 2005. – 71 с.; Гафиуллина К.Н. Национально-мифологические основы поэтики татарской народной песни: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казан, 2005. – 26 с.; Наева А.И. Алтайский обрядовый фольклор: специфика жанра: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Улан-Удэ, 2010. – 30 с.; Джанкезова М. А. Карачаево-балкарские историко-героические песни: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Черкеск, 2011. – 22 с.; Квиленкова Е.Н. Гагаузский песенный фольклор – грамматика жизни. – Кишинев, 2011. – 268 с.; Сахаватова М.А. Система жанров и поэтика кумыкской народной необрядовой лирики: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2013. – 26 с.; Идрисова К.Р. Поэтика татарских баитов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казан, 2013. – 26 с.

кўшиқлардаги ифодаси, бадий тасвир воситаларининг лингвопоэтик табиати ва образлар силсиласининг мифологик асослари очиб берилди.

Ўзбек халқ кўшиқларини ёзиб олиш, системалаштириш, нашр қилиш ва илмий ўрганиш борасида эса Ҳ.Зарифов, М.Алавия, Ҳ.Раззоқов, О.Собиров, Ж.Қобилниёзов, С.Рўзимбоев, Ф.Кароматов, К.Очилов, О.Сафаров, А.Мусақулов, Ш.Турдимов ва Д.Ўраева каби олимлар самарали фаолият кўрсатишган. Натижада ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб ўтказилган экспедициялар чоғида ёзиб олинган ғоят бой кўшиқлар хазинаси жамланди. «Ўзбек халқ ижоди» кўпжилдлиги силсиласида халқ кўшиқларидан тузилган «Оқ олма, қизил олма», «Гулёр», «Халқ кўшиқлари» каби тўпламлар, шунингдек, кўплаб алоҳида мажмуалар чоп этилди. Айниқса, истиклол йилларида халқ кўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари ва жанрлар таркибини ўрганиш ишлари янги босқичга кўтарилди. Хусусан, меҳнат кўшиқлари бадиияти<sup>1</sup>, тарихий кўшиқларда ижтимоий ҳаётнинг акс этиши<sup>2</sup>, халқ кўшиқлари поэтикаси<sup>3</sup>, халқ лирикасининг тарихий асослари<sup>4</sup>, кўшиқларнинг тузилиши ва композицияси<sup>5</sup>, лапарлар спецификаси ва бадиияти<sup>6</sup>, халқ кўшиқлари таснифи<sup>7</sup>, кўшиқчилик анъаналарининг ҳудудий-локал хоссалари<sup>8</sup>, кўшиқ ва маросим муносабати<sup>9</sup> каби фольклоршуносликнинг долзарб масалалари ҳал қилинди.

<sup>1</sup> Очилов К. Меҳнат кўшиқлари бадиияти. – Қарши: Насаф, 2006. 122 б.

<sup>2</sup> Жуманазаров У. Кўшиқ: тарих ва ижод. – Тошкент: Фан, 2007. – 11,5 б.т.

<sup>3</sup> Турдимов Ш. Кўшиқ маъносининг калити (биринчи мақола) // Маърифат. – Тошкент, 2013, 6 февраль; Ўша муаллиф. Лирик кўшиқларда рамз (иккинчи мақола) // Маърифат. – Тошкент, 2013. – 23 февраль; Ўша муаллиф. Хабарчи рамзлар (учинчи мақола) // Маърифат. – Тошкент, 2013. – 2 март; Ўша муаллиф. Рўмолим бор, рўмолим... (бешинчи мақола) // Маърифат. – Тошкент, 2013. – 27 март; Ўша муаллиф. Олма, олма дермусиз... (олтинчи мақола) // Маърифат. – Тошкент, 2013. – 4 май; Ўша муаллиф. Кўшиқлар сабоғи (ўн иккинчи мақола) // Маърифат. – Тошкент, 2013. – 28 август; Ураева Д.С. Характер и художественно-композиционная функция параллелизма в узбекских народно-лирических песнях: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1993. – 26 с.; Ёкуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент, 2005. – 162 б.; Ўша муаллиф. Халқ кўшиқларида сўз сеҳри / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент, 2006. – Б. 48–53; Рўзиева М. Ўзбек халқ кўшиқларида ранг символикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 46 б.

<sup>4</sup> Мусақулов А. Халқ лирикасида кўз магиясига инончнинг бадий ифодаси / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 146–154; Ўша муаллиф. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – 306 б.

<sup>5</sup> Райхонов Ф. Шеър канотидаги юлдузлар (ўзбек халқ оғзаки ижодида кофия санъати). – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 132 б.; Носиров Р. Ўзбек халқ кўшиқлари композицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 24 б.

<sup>6</sup> Мирзаев Т. Ўзбек фольклорида лапар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – 1-сон. – Б. 39–43; Қосимов Н. Халқ лапарларининг жанр хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – 5-сон. – Б. 34–38; Ўша муаллиф. Ўзбек халқ лапарлари (жанр спецификаси ва бадиияти): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 24 б.; Ўша муаллиф. Фольклор мусиқа ижрочилиги. – Тошкент: Талқин, 2008. – 120 б.

<sup>7</sup> Эшонкулов Ж. Кўшиқ ва унинг таснифи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – 3-сон. – Б. 27–35.

<sup>8</sup> Таштемиров Н.Б. Узбекское народное песенное творчество Джизакской области: АКД. – Ташкент, 1993. – 22 с.; Худайкулова Л.А. Сурхондарё тўй маросими кўшиқлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 27 б.

<sup>9</sup> Абдуллаев Р. Обрядовая музыка Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 1994. – 144 с.; Ўша муаллиф. Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии. – Ташкент, 2006. – 336 с.

Бевосита тадқиқот объектими ҳисобланган ўзбек халқ ўланларини тўплаш ва ўрганиш борасида М.Алавия, О.Собиров, Б.Саримсоқов, Н.Қосимов, Р.Абдуллаев, С.Давлатов, Н.Шомаматов каби олимлар<sup>1</sup> илмий изланишлар олиб борган бўлсалар-да, уларнинг тадқиқотларида ўланларнинг жанр хусусиятларини ойдинлаштириш, тарихий-генетик илдизларини аниқлаш, туркий халқлар фольклоридаги муштарак қўшиқ шакллари билан типологик хусусиятларини ёритиш ва поэтикасини ўрганиш масаласи яхлит ҳолда кун тартибига қўйилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек халқ ўланларининг ўзига хос жанр хусусиятлари, тарихий-генетик асослари, типологияси ва поэтикасини тадқиқ этиш, ўлан ижрочилиги анъанасининг ҳозирги тарихий-фольклорий жараёндаги ҳолатини ойдинлаштиришдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Ўзбек халқ ўланларини ўрганишга бағишланган мазкур диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилган:

ўзбек халқ ўланларининг ёзиб олиниши, нашр этилиши ва ўрганилиши тарихини ёритиш;

ўлан жанрининг ўзига хос хусусиятларини ойдинлаштириш ва унинг ўзбек халқ қўшиқлари тизимида тутган ўрнини кўрсатиб бериш;

ўлан ижрочилигининг ўзига хос локал хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш;

ўлан жанрининг генезиси ва тадрижий ривожланиш босқичларини аниқлаш;

туркий халқлар фольклоридаги ўланларнинг типологик муштараклиги ва миллий ўзига хослигини тадқиқ этиш;

ўланларнинг поэтик табиати ва ўланчиларнинг сўз қўллашдаги бадиий маҳорати масалаларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ҳозирга қадар ёзиб олинган ва нашр этилган ўланлар, шунингдек, диссертантнинг 2012–2014 йилларда Фарғона водийси ва Тошкент вилояти бўйлаб ўтказган фольклор экспедицияларида тўплаган материаллари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек халқи поэтик тафаккурининг ўзига хослигини кўрсатувчи ўланларнинг жанр хусусиятлари, тарихий-генетик асослари, типологияси ва поэтикаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий ва қиёсий-типологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

---

<sup>1</sup> Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.161-184; Ўша муаллиф. Ўзбек фольклорида ўлан / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 3-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 63–80; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 91–93; Саримсоқов Б. Маросим фольклори / Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 194–197; Қосимов Н. Ўзбек халқ лапарлари (генезиси ва поэтик табиати): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 15–16; Абдуллаев Р. Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии. – Ташкент, 2006. – С. 51; Давлатов С. Қашқадарё воҳаси тўй маросимлари фольклори: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1996. – Б. 125–130; Шомаматов Н. Ўлан жанрининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – 3-сон. – Б. 47–50; Ўша муаллиф. Ўлан жанри ҳақида баъзи мулоҳазалар / Фольклоршунослик. 1-китоб. – Навоий, 2003. – Б. 75–82.



### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Ўзига хос ижро ўрни, айтилиш усули, ижрочилар таркиби, шеър тузилиши ва ҳаётий-маиший функциясига кўра ўлан ва лапар жанрларининг фарқли жиҳатлари аниқланиб, ўлан ижрочилиги турмуш тарзи номадик, яъни кўчманчи чорвадорлик билан боғлиқ маданиятга мансуб аҳоли орасида оммалашгани, лапар ижрочилигининг шаклланиши эса ўтроқ ҳаёт кечирувчи кишиларнинг фольклор анъаналарига хослиги исботланган;

Марказий Осиё туркий халқлари фольклоридаги «ўлан» (ўзбек) // «өлен» (туркман) // «өлең» (қозоқ) // «йөлән» (уйғур) атамаларининг этимологик асоси қадимги туркийлар тилида «куйламоқ», «алқамоқ», «ҳикоя қилмоқ» маъноларида қўлланилган «ула/ўла//ала» феълига бориб тақалиши асосланган;

мамлакатимизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида яшовчи аҳоли орасида ўлан жанри ўзининг табиий ижро ҳолатини ҳозирги кунга қадар сақлаб келаётгани ҳолда ўланларнинг фольклор жамоалари репертуаридаги талқинларида бадиҳагўйлик сўниб бораётганлиги кўрсатилган;

ўлан жанрининг тарихий асослари қадимги жамиятнинг дуал тузилишга асосланган оилавий-маиший муносабатлари, қабилалараро никоҳ расм-русмлари ҳамда никоҳ тўйи маросимларида ижро этилган рамзий-ритуал айтимларга бориб тақалиши асосланган;

туркий халқлар фольклоридаги ўланларнинг айримлари, жумладан, ўзбек ўланлари билан қозоқ фольклоридаги «қара өлең» жанри типологик жиҳатдан муштарак хусусиятларга эгаллиги очиб берилган;

ўлан матнида қўлланилган поэтик воситаларнинг ўзига хослиги ҳамда ўланчиларнинг бадиий сўз қўллашдаги маҳорати ёритилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

ўланларнинг ёзиб олинishi, тўпланиши, нашр этилиши ва илмий тадқиқ этилишига доир манбалар яхлит тизим ҳолида жамланиши натижасида ўзбек халқ лирикаси тарихини яратиш учун зарур илмий факт ва маълумотларни умумлаштиришга эришилган;

ўлан ижрочилиги ўзининг жонли оғзаки анъаналарини сақлаб қолган Фарғона водийси, Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудлари, шунингдек, Жиззах вилоятининг Зомин туманида олиб борилган фольклористик кузатишлар натижасида фольклор ижрочилигидаги бадиҳагўйликнинг сақланиш ҳолати ва унинг ўлан жанри тақдирида тутган ўрни аниқланган;

ўзбек ўланларининг ўзига хос жанр хусусиятлари, халқ кўшиқларининг бошқа турларидан фарқли жиҳатлари, умумтуркий анъаналар билан типологияси ва тарихий-генетик илдизлари ёритиб берилган;

ҳозирга қадар ёзиб олинган ва фольклор архивида сақланаётган ўланлар матний жиҳатдан ҳам таҳлил қилиниб, бадиий жиҳатдан энг мукамал намуналар асосида «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлиги учун таянч матнлар базаси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** таҳлилга тортилган фактик материалларнинг Фольклор архивидаги манбалар ҳамда бевосита ўтказилган

фольклор экспедициялари асосида танланганлиги, ечилиши лозим бўлган илмий муаммонинг аниқлиги, ўланчилик анъаналарининг локал хусусиятлари, ўлан типологияси, генезиси ва поэтикасини ёритишда жаҳон фольклоршунослигининг эътиборли илмий манбаларига таянилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий умумлашмалар ва хулосалар ўзбек фольклори жанрлар тизимининг шаклланиш тарихи ва бадий эволюцияси билан боғлиқ илмий концепцияларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, туркий халқлар фольклоридаги ўланларнинг спецификаси, генезиси ва поэтикасини фундаментал тадқиқ этишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқот материаллари ва натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўзбек ўланларининг жанрий табиати ва специфик хусусиятлари ҳақидаги илмий қарашлар олий ўқув юртларида халқ оғзаки бадий ижоди фанидан дарс машғулотлари ўтишда, дарслик ва ўқув кўлланмалари яратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек фольклорида ўлан жанрининг ўзига хос хусусиятлари, тарихий-генетик асослари, типологияси ва поэтикасини тадқиқ этиш жараёнида чиқарилган илмий-назарий хулосалар ва олинган натижалар асосида:

ўзбек халқ ўланлари матнидаги бадий воситаларнинг лингвопоэтик хусусиятларини таҳлил қилишга доир материаллар ва илмий-назарий қарашлардан ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ФА-Ф8-034 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» номли фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 18 майдаги 3/1255-1290-сонли маълумотномаси). Натижада «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»даги лексикографик таҳлилларни янада такомиллаштириш ва айрим сўзларнинг янгича маъноларини ойдинлаштиришга эришилган;

ўзбек халқи бадий тафаккури тараққиётида муҳим роль ўйнаган қадимги давр фольклорининг ўлан жанри генезисида тутган ўрнига доир илмий-назарий қарашлардан Навоий давлат педагогика институтида бажарилган «Ўзбек мифологияси ва унинг бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги Ф1-ХТ-0-19919 рақамли илмий лойиҳанинг бажарилишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 мартдаги 89-03-1114-сонли маълумотномаси). Натижада миф поэтик трансформациясининг воқеликни бадий ифода этишдаги роли ва вазифаларини ойдинлаштиришга эришилган;

ўлан ижрочилигининг маънавий-маданий тараққиётда тутган ўрни ва аҳамиятига доир илмий қарашлардан «Маҳалла» телеканалидаги «Жавондаги жавоҳир» кўрсатуви ҳамда «Қадрият» радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 20 ноябрдаги 02-15/4751-сонли маълумотномаси). Натижада телетомошабинлар

ва радиотингловчилар ўзбек халқ ўланлари ҳақида янги маълумотларга эга бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 18 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 12 та республика, 6 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 49 та илмий иш, шу жумладан, 2 та китоб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 146 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек халқ ўланларининг тарихий асослари**» номли биринчи бобининг «**Ўланларнинг ёзиб олинishi, нашр этилиши ва ўрганилиши тарихи**» деб аталган илк фаслида ўланларнинг ёзиб олинishi, нашр этилиши ва ўрганилиши, шунингдек, тарихий-генетик асослари ёритилган.

Маълумки, ўлан турмуш тарзи асосан кўчманчи чорвадор ва ярим кўчманчиликдан иборат бўлган аҳоли орасида кенг тарқалган бўлиб, айтишув тарзида ижро этилиши, ҳар бири ўн бир ҳижоли мисралардан иборат банд тузилишига эгаллиги ва тарихан никоҳ тўйи маросимида боғлиқлиги билан ўзига хослик касб этади. Бу жанрга оид фольклор асарлари асосан Ҳ.Зарифов, М.Алавия, З.Хусаинова, Т.Ғозибоев, Б.Каримий, М.Афзалов, Ҳ.Раззоқов, М.Муродов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, Т.Очилов, М.Жўраев, И.Ёрматов сингари олимлар томонидан ёзиб олинган. Айниқса, М.Алавия томонидан Тошкент вилояти Оҳангарон туманида яшовчи Холжуман Умар ўғли, Наманган вилояти Поп туманида яшовчи Тўйчи охун Юсупов, Ангрен яқинидаги Ертош қишлоғида яшаб ўтган машҳур ўланчи Иймоназар охун, Оҳангарон тумани Қорабоғ қишлоғида истиқомат қилган Буволма Абдиева репертуаридаги ўланлар ёзиб олинганлиги бу жанрнинг тарихий тараққиётини ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этган.

Ўлан намуналари илк бор 1939 йилда Ҳ.Зарифов тайёрлаган «Ўзбек фольклори» хрестоматиясининг «Тўй ашуласи» фаслида нашр қилинган.

«Ўзбек халқ ижоди» кўптомлигининг «Гулёр» (1967), «Оқ олма, қизил олма» (1972) номли жилдларида ўланларнинг энг яхши намуналари чоп этилган. О.Сафаров томонидан нашрга тайёрланган «Тўй муборак, ёр-ёр» (2000), Т.Мирзаев ва О.Сафаровларнинг «Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси» (2008), шунингдек, «Келиной кўшиқлари» (1983), «Асрларга тенгдош кўшиқлар» (1991), «Остонаси тиллодан» (1993) каби тўпламларга ҳам ўлан намуналари киритилган.

Ўзбек фольклоршунослигида ўланнинг поэтик табиати, ижро этилиш ўрни ва оммалашishi масаласидаги илк илмий мулоҳазалардан бири Ҳ.Раззоқовга тегишли бўлиб, у «ўланлар Фарғона водийсида, асосан, қишлоқлар, тоғли жойлардаги чорвадорлар орасида кенг тарқалган. Ўланларни ханузгача ўзини «турк» деб ҳисобловчи аҳолининг қорабош, бекзода, барлос уруғлари орасида кўп учратиш мумкин. Ўланлар – «келин тушди» («қиз кўчириш») тўйларида келин-куёв томон йигит-қизлари орасида худди лапарлар каби баҳслашув тарзида, баъзан меҳмондорчилик ўтиришлари: базмлар, гап-гаштакларларда малакали ўланчилар томонидан тарафкашлик усулида ижро қилинади»<sup>1</sup>, деб қайд этган.

Кўшиқларнинг жанр хусусиятлари ва бадииятини тадқиқ этган М.Алавия ўлан асосан никоҳ тўйи маросимининг «қизлар мажлиси», «қиз оқшоми», «қиз узатар» удумларида, шунингдек, турли сайилларда, базмларда айтилиши, ижрони дастлаб йигитлар бошлаши, ижро жараёнида тарафматараф бўлиб беллашиш хусусияти мавжудлиги, матннинг ўн бир ҳижоли бўғин тузилишига эгаллиги каби жанрий белгиларини аниқлаган<sup>2</sup>. О.Собиров Қурама тоғлари атрофидаги қишлоқларда айтиладиган ўланларнинг биринчи мисраси икки сўздан иборат бўлишини (масалан, «Қарға дейман, Қарға уя солади жарга дейман» тарзида) кўрсатган<sup>3</sup>. «Ўлан» атамасининг этимологик асоси «боғламок», «кўшмок» маъносидаги «ула» феълига алоқадорлигини тахмин қилган Б.Саримсоқов эса «ўлан», «лапар» ва «ёр-ёр» жанрларининг генетик илдизи муштарак заминга боғланади, деб ҳисоблаган<sup>4</sup>. Бундан ташқари, ўзбек халқ ўланларининг ижро ўрни ва ўзига хос хусусиятига доир айрим қайдлар Н. Қосимов, Р. Абдуллаев, Р. Тожибоев ва Н. Шомаматов<sup>5</sup> ишларида ҳам учрайди. Бу тадқиқотларда ўлан ижрочилигининг худудий-локал хусусиятлари ва тўй маросими таркибидаги ўрнини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.

<sup>1</sup> Раззоков Ҳ. Ўзбек халқ кўшиқлари / Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Тўпловчи: Ҳ.Раззоков. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – Б. 244.

<sup>2</sup> Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 161–184.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – С. 91–93.

<sup>4</sup> Саримсоқов Б. Маросим фольклори // Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 194–197.

<sup>5</sup> Қосимов Н. Ўзбек халқ лапарлари (генезиси ва поэтик табиати): Филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 1998. – Б.15–16; Абдуллаев Р. Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии. – Ташкент, 2006. – С.51; Тожибоев Р. Қурбонжон додхоҳ ҳақида ривоятлар хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2000. – 5-сон. – Б.44–47; Шомаматов Н. Ўлан жанрининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – 3-сон. – Б.47–50.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «Ўзбек халқ ўланларининг генезиси» деб аталган бўлиб, унда ўлан жанрининг шаклланиш тарихи ва бадиий эволюцияси масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбек фольклоршунослигида халқ лирикаси жанрларининг тарихий асослари ва тадрижий такомил босқичлари, шу жумладан, ўлан жанрининг пайдо бўлиши ҳақида уч хил илмий қараш мавжуд. Жумладан, М.Алавиянинг фикрича, «ўлан, лапар, ёр-ёр қадимда бир бўлган. Кейинги вақтларда турли тўй маросимлари, ҳар жойдаги кишиларнинг яшаш шароитлари билан боғлиқ равишда улар орасидаги тафовутлар кучайган. Уларнинг ҳар бири тўй маросимининг маълум босқичи билан боғланиб келган ва мустақил кўшиқ турига айланган»<sup>1</sup>. Б.Саримсоқов эса «лапар ва ўлан жанрларининг генетик жиҳатдан алоқадорлиги у қадар шубҳа уйғотмаса ҳам, лекин ёр-ёр ва ўлан жанрларини тарихан бир ҳодиса сифатида олиб қараш ишонарли эмас»<sup>2</sup>, – деб қайд этган бўлса, Н.Қосимов эса «ёр-ёр, ўлан ва лапарлар тарихан мустақил жанр сифатида юзага келган», деб ҳисоблайди<sup>3</sup>.

Тарихий тараққиётнинг матриархат давридан патриархат даврига ўтиш даврида юзага келган экзогамик никоҳ тури ўзи билан бирга никоҳ тўйи маросимига айрим ўзгача кўринишларни олиб кирган эди. Бир қабила вакили иккинчи бир қабила вакилига уйланиши учун келин мансуб бўлган қабиланинг қабила бошлиғи ёки қизнинг отаси ҳамда қизнинг ўзи қўйган шартларни бажариши шарт бўлган. Одатда, ўланлар қизнинг ҳовлисида айтишув шаклида ижро этилганлиги ҳам шундан далолат беради. Чунки айтишувда енгиб чиқиш ҳам синовнинг бир кўриниши ҳисобланган.

Бу жанр номини билдирувчи «ўлан»//«ўланг» атамаси олтой, қозок, қорақалпоқ, озарбайжон, қирғиз, ўзбек, уйғур ва бошқа туркий халқлар орасида кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам таниқли олим В.В.Радлов «Опыт словаря тюркских наречий» асарининг учинчи китобида Тоғли Олтойда яшовчи туркий халқлар тилидаги «өлен//өләнк» атамаси аслида яшиллик билан боғлиқ тушунча бўлиб, кейинчалик айрим туркий тилларда кўшиқ атамасига айланганлигига далил келтирган<sup>4</sup>. Бу атама қозок, қирғиз, уйғур тилида ҳам «халқ кўшиғи», «ашула» маъносида қўлланилган<sup>5</sup>. Бу эса ўланнинг тарихий генезиси Марказий Осиёда истиқомат қилган қадимги туркийларнинг архаик фольклорига бориб тақалишини кўрсатади. Шу жиҳатдан М.Сейидов «ўлан» истилоҳининг келиб чиқишини доимий яшиллик, яшариш, улғайиш маъбудаси сифатида тасаввур қилинган илоҳа Ўланг тўғрисидаги эътиқодий қарашларга боғлаши ҳам асослидир<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент, 1974. – Б. 184.

<sup>2</sup> Саримсоқов Б. Тўй маросими фольклори / Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. 1-том. – Тошкент, 1988. – Б.195.

<sup>3</sup> Қосимов Н. Ўзбек халқ лапарлари (генезиси ва поэтик табиати): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998. – Б.15-16.

<sup>4</sup> Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Вып.3. – СПб., 1889. – С.1247.

<sup>5</sup> Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т.1. – СПб, 1896. – С.155; Исмоилов Е. Акыны. – Алмата, 1957. – С.76.

<sup>6</sup> Сейидов М. Азарбајжан мифик тәфәккүрүнин гайнағлары. – Бакы, Жазычы, 1983. – Б.52–71.

Тадқиқот натижасида туркий ва мўғул-бурят халқлари фольклоридаги халқ оғзаки ижоди жанрларининг номи ифодаловчи атамалар таркибида «ул/ўл/ол/ал/ил» ўзаги мавжудлиги<sup>1</sup> асосланган ҳолда «ўлан» атамаси қадимги туркий тилда «ҳикоя қилмоқ», «сўзламоқ», «куйламоқ» маъноларида қўлланилган «ула/ўла//ала» ўзак феъли асосида юзага келганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, ўлан жанрининг тарихий асослари қадимги жамиятнинг дуал тузилишга асосланган оилавий-маиший муносабатлари ҳамда қабилалараро никоҳ расм-русумларига бориб тақалади. Фратриялар ўртасидаги никоҳ шаклига асосланган қадимги тўй маросимларида қудалашаётган тарафларнинг айтишувга асосланган сўз ўйинлари ҳамда турли магик характердаги айтимлари асосида ўлан жанри юзага келган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўланларнинг спецификаси ва типологияси**» деб аталган бўлиб, унинг дастлабки фасли «**Ўлан жанрининг ўзига хос хусусиятлари**»ни ўрганишга бағишланган.

Ўлан асосан чорвачилик хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли орасида кенг тарқалган қўшиқнинг қадимий тури бўлиб, никоҳ тўйи маросими, анъанавий халқ сайиллари ва оммавий байрамларда қиз ва йигитларнинг тарафма-тараф бўлиб айтишуви асосида ижро этилган. Ўланни маромига етказиб айта оладиган чечан кишилар халқ орасида «ўланчи», «охун», «чечан» деб аталган. Даврада ўзаро тортишиб ўлан айтишадиган икки киши – йигит билан қиз, чол билан кампир эса «ҳарифдош» деб аталган.

Анъанага кўра, «Қиз оши»га келган келиннинг дугоналари ҳамда куёвнинг жўралари таом еб бўлгач, дастурхон йиғиштириб олинган ва ёшлар катта уй ёки айвонга икки тараф бўлиб тизилиб ўтириб, жойлашган. Янгалар бир рўмолга тугилган олма олиб кириб ўртага қўйганлар. Одатда, йигитлардан бири рўмолдаги олмадан олиб, ўланни бошлаб берган ва жавоб ўлани айтиши лозим бўлган қизга қараб олмани отган. Шу тариқа ўланнинг навбатдаги бандини айтиши керак бўлган ўланчи аниқланган ва ижро давом эттирилган. Йигит ёки қизлардан бири ўзига қарата айтилган ўланга жавобан бирор тўртликни айтолмаса, ўша томон енгилган ҳисобланади.

Ўлан айтиш жараёнида ҳарифдошлардан бири томонидан мазкур ижро давомида ишлатилган тўртликларни такрорлаш, мазмунан аввалги ўланга мос келмайдиган матнни айтиш, мисралараро оҳангдошликни сақламаслик, вазн ва қофияни бузиш, жўн сўзларни қўллаш, тингловчиларга бадий-эстетик завқ бера олмаслик, шунингдек, ижро суръатини тушириб юбориш мумкин бўлмаган. Ижро жараёнида ҳарифдошлардан бири жавоб ўланини тополмай қолиши натижасида юз берган танаффус ижро маромига салбий таъсир кўрсатган. Бундай пайтда ўланчининг ҳарифдоши даврани «совутмаслик» учун дарҳол ташаббусни ўз қўлига олган:

Кераганинг кўзидан қил ўтади,  
Сен бир ўлан айтгунча йил ўтади.  
Икки оғиз ўланни айтолмайсан,

<sup>1</sup> Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. 1-е изд. – М.: Наука, 1974. – С. 632.

Қачонгача сенга биров ўргатади?<sup>1</sup>

Ёки:

Қатор-қатор ҳаводан ғоз ўтади,  
Сен бир ўлан айтгунча ёз ўтади,  
Қумурсқадай белингдан чимчиб олсам,  
Ака «вой-вой белим», деб ноз этади<sup>2</sup>.

Бу эса даврада енгил кулгига сабаб бўлиб, жавоб тополмай қолган ҳарифдошни ҳам хижолатдан чиқарган ва ижрони давом эттиришига имкон яратган.

Ўланлардаги ижро ва ижоднинг бир вақтда амалга оширилиши ҳам ўзига хос ҳодиса бўлиб, ҳозиржавоблик, сўзга чечанлик ва бадиҳагўйликни талаб қилган. Бадиҳагўйлик, яъни ижро жараёнида ҳарифдош томонидан айтилган матн мазмунига мос ўланни ҳозиржавоблик асносида тезлик билан тўқиб ёки ижрочи ўзининг бадиий хотирасида мавжуд бўлган анъанавий поэтик формула, стилистик қолип ва тайёр мисралардан фойдаланган ҳолда матнни ижро этиши ўланчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланган. Ижро жараёнида анъанавий ўланлар такрорланиши билан бирга вазият тақозосига кўра янги матнлар ҳам ижод қилинаверган:

Ўланнимни ўрга ҳайдадим, қирга ҳайдадим,  
Қирилсин деб ярмини чўлга ҳайдадим.  
Бир ўланним бор эди пишиб қолган,  
Тенг-тўшимни кўнгли-чун энди ўйладим<sup>3</sup>.

Ўлан ижрочилиги ўзига хос локал хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Хусусан, анъанавий матнларнинг муайян такрор мисралар билан қўшиб айтилиши ҳолати Наманган вилоятидагина қайд этилган бўлиб, бошқа жойда учрамайди:

Манов тоғ баракалла бейигинга,  
Милтиқ олдим, югурдим кийигинга,  
Бийик-бийик жойларга киргим келди,  
Бийигингга суйкалиб уйқум келди.  
Вой-ёй булулук,  
Сувдай сулулук,  
Қиздай булулук,  
Буғдой толима,  
Булулук-булулук.

Ўтаман Сирдарёдан исирик солиб,  
Минаман кўк дўнани кўруқ солиб,  
Тошлоқ ерга шоли экдим, қариш келди,

<sup>1</sup> Ёрматов И. Оҳангарон ўзбекларининг этник хусусиятлари ва оғзаки ижодиёти. – Тошкент: Наврўз, 2013. – Б. 123.

<sup>2</sup> Диссертантнинг фольклор экспедицияси материаллари. 2012 йил 23 июнда Ангрен шаҳар маданият уйи қошидаги “Ўланчилар клуби” раҳбари Турдиали Пардаевдан ёзиб олинган.

<sup>3</sup> Келиной кўшиқлари. Ўзбек халқ кўшиқлари ва термалари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: О.Собиров. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 139.

Қариш келган шолидан хариш келди.  
 Вой-ёй булулук,  
 Сувдай сулулук,  
 Қиздай булулук,  
 Буғдой толима,  
 Булук-булулук<sup>1</sup>.

Ўзбек халқ ўланлари ўзининг бир қатор хусусиятларига кўра лапарга ўхшаб кетади. Шунинг учун диссертацияда бу икки жанр ўртасидаги ўхшашликлар «ижро ўрни», «ижро усули ва ижрочилар таркиби», «ўлан ва лапар ижросида бошлама ҳамда хотима мавжудлиги», «ижрога чолғунинг жўр бўлиши», «ижро жараёнида бадиҳагўйликнинг устуворлик қилиши», «генетик асосларининг ўзаро яқинлиги» каби белгиларига кўра қиёсланиб, «ижрочилар таркибининг турмуш тарзига кўра фарқланиши», «ижро этиладиган матннинг вазн қурилишига кўра фарқланиши» ва «рақсга муносабати» каби хоссалари асосида фарқли жиҳатлари аниқланди. Натижада, ўлан жанри турмуш тарзи номадик маданиятга хос, лапар эса ўтроқ маданиятга мансуб аҳоли ўртасида оммалашган, деган хулосага келинган

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «**Туркий халқлар фольклорида ўлан жанри типологияси**» деб номланган.

Ижро усули қиз ва йигитларнинг тарафма-тараф бўлиб айтишиши асосига қурилган фольклор жанрлари туркий халқлар орасида жуда кенг тарқалган бўлиб, ўзининг ижро усули, ижрочилар таркиби, ҳаётий-маиший функцияси, шеър тузилиши ва мазмунига кўра, қозоқ фольклоридаги «қара өлең» ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодидаги ўлан жанрига ўхшайди. Бу икки жанрнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари қуйидаги жадвалда акс этган:

	Ўзбек фольклоридаги ўлан жанри	Қозоқ фольклоридаги «қара өлең» жанри
1	Ўлан асосан никоҳ тўйидан аввал қизнинг уйида ўтказилган «келин тушди» («қиз кўчириш») маросимида, халқ сайиллари ва бошқа тадбирларда ижро этилган	Қозоқ «қара өлең»лари ҳам никоҳ тўйи маросимининг той бастар, ауылдың алты ауызы, қонақ кәде, бастаңғы каби узвларида айтилган
2	Ўлан ижрочилиги турмуш тарзи асосан чорвадорлик ёки ярим ўтроқ чорвадорликдан иборат бўлган тоғ ва тоғ олди ҳудудларда кенг оммалашган	«Қара өлең» ижрочилиги ҳаёт тарзи асосан номадик (яъни кўчманчи чорвадор) маданиятга мансуб қозоқлар фольклорига хосдир
3	Ўлан ҳар бири ўн бир бўғинли тўрт мисрадан иборат шеърий тузилишга эга	«Қара өлең»ларнинг шеърий тузилиши ҳам ўн бир бўғинли тўрт мисралик шеърий шаклдадир
4	Ўланларда ҳар бир банднинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралари ўзаро қофияланиб, учинчи мисра алоҳидалигича қолади	«Қара өлең»нинг қофияланиш тартиби «а-а-б-а» тарзида бўлиб, бунда ҳам 1-,2-,4- мисралар ўзаро уйқашиб, учинчи мисра қофияланмаслиги кузатилади

<sup>1</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. №1511/20. 1959 йилда М.Муродов томонидан Поп туманидаги Ғурумсарой кишлоғида яшовчи 1913 йилда туғилган Машарип Қурамашовдан ёзиб олинган.



5	Ўланлар одатда, йигит ва қизлар ўртасида айтишув тарзида ижро этилади (аммо баъзи ҳолатларда, масалан, «ҳарифдош» бўлмаса ёки «ёр-ёр» радифини кўшиб айтилганда ўланчининг якка ўзи ижро этиши ҳолати ҳам кузатилган)	«Қара өлең»нинг асосий оммалашиш тарзи қиз ва йигитларнинг айтишуви шаклидаги ижроси бўлиб, айрим ҳолатларда ижрочининг якка ўзи «қара өлең» айтиши ҳам қайд этилган
6	Ўзбек фольклорида мавжуд анъанага кўра ўлан айтишни йигитлар бошлаб беришади	Қозоқларда ҳам «қара өлең» айтишиш дастлаб, йигитлар ижроси билан бошланади
7	Ўлан ижроси чоғида кўпинча дастлабки икки мисра анъанавийлик касб этгани ҳолда учинчи ва тўртинчи мисралар бадихагўйлик асосида яратилиши кузатилган	Дастлабки икки мисранинг турғунлик касб этиши ва кейинги мисралар янгиланиши ҳодисаси «қара өлең» учун ҳам хос хусусиятдир
8	Ўланлар одатда, ўзига хос оҳанг билан мусиқа жўрлигисиз айтилади. Аммо «ёр-ёр» кўшиб айтилганда доира ёки дўмбира чалиб ижро этилиши ҳолати қайд этилган	«Қара өлең» ҳам хушовоз ўланчилар тарафидан ўзига хос оҳанг билан чолғусиз ижро этилган. Шу билан бирга, дўмбира жўрлигида айтиладиган шакли ҳам мавжуд.
9	Ўланларда ўзбек халқининг турмуш тарзи билан боғлиқ барча жиҳатлар, айникса, севги ва садоқат, панд-насихат, ўзаро иззат-ҳурмат ва дўстлик мавзулари тараннум этилади	«Қара өлең»нинг мавзу кўлами халқ маиший турмуш тарзи билан боғлиқ бўлиб, ишқ-муҳаббат мавзуси устуворлик қилади
10	Ўзбек халқ ўланларининг айрим бандлари енгил юмористик мазмунга эга бўлади	«Қара өлең»да ҳам енгил кулги чиқариш орқали тингловчилар кайфиятини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилади

Демак, йигит-қизлар томонидан айтишув тариқасида тарафма-тараф бўлиб, баҳслашув асносида ижро этилиши, ижро ўрнининг никоҳ тўйи маросими билан алоқадорлиги, поэтик қурилишининг тўрт мисралик шеърӣ бандлардан ташкил топганлиги, шеърӣ тузилишининг 11 ҳижоли рифмоформулага асосланиши, *а-а-б-а* шаклидаги қофияланиш тартибига амал қилиниши, айрим ҳолларда матнга «ёр-ёр» радифининг кўшиб айтилиши, мусиқа асбоби жўрлигисиз ва баъзан дўмбира билан ижро этилиши каби белгиларига кўра, «ўлан» ва «қара өлең» жанрларининг тарихий илдизлари муштарак негизга бориб тақалади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбек халқ ўланлари поэтикаси**» деб аталиб, унинг «**Ўлан ижрочилиги анъанаси ва бадий сўз эстетикаси**» номли биринчи фаслида бадихагўйлик асносида ижро этадиган ўланчиларнинг сўз қўллаш маҳорати таҳлил қилинган.

Ўлан ижрочиларининг эстетик қарашларини моҳияти шундан иборатки, уларнинг наздида халқ қўшиқларини айтишдан кўзланган асосий мақсад эл-юртнинг кўнглини хушлаш, яъни тингловчилар аудиториясига бадий-эстетик завқ бериш ҳисобланган. Бунинг учун устоз ўланчилар анъанасини пухта ўзлаштириш, сўз қадрига етиш ва тилда мавжуд бўлган ҳар бир луғавий бирликни ўз ўрнида, ўз вақтида ишлата билиш муҳим аҳамият касб этади. Ўлан айтилаётганда ҳар бир ижрочи ўзининг сўзамоллиги ва

бадиҳагўйлик иқтидорини кўпроқ намоёиш этишга, маънодор мисраларга бой матнларни куйлаш орқали ҳарифдошидан кўли баланд келишига эришишга ҳаракат қилган. Натижада, ижро жараёнида ритмнинг муттасил ошиб, ўсиб бориши кузатилган. Ўзига хос оҳангдорлик ва жозибали маромга риоя қилган ҳолда, кўтаринки руҳда давом этаётган ўлан ижроси жараёнида пауза сақлаш ёки ижрочилардан бирининг паст овозда куйлаши эса ритмнинг бузилишига сабаб бўлган. Товушнинг паст ёки йиғлоқи экани, оҳанг бузилишига сабаб бўлиши Тошкент вилояти Ангрен шаҳри яқинидаги Қорабоғ қишлоғида яшовчи 62 яшар Буволма Абдиевадан 1967 йил 5 январда Ботир Асқаров ёзиб олган куйидаги ўланда шундай таърифланган:

Толмисан, теракмисан ирғаласан,  
Соғмисан, касалмисан ингранасан.  
Мен ўзим касал бўлсанг боқтирайин,  
Сичқоннинг боласиман қоқтирайин<sup>1</sup>.

Ўлан ижрочилиги анъанавийлашган ҳар бир худудда ана шундай узок йиллар мобайнида ўзаро баҳслашиб келувчи ҳарифдошларнинг жуфтликлари мавжуд бўлган. Бундай профессионал ўланчилар ҳар қандай ижрочи билан ҳам айтишмасдан, ўзининг ҳарифдоши келишини кутиб турган. Мабодо, ҳарифдоши келмасдан унга бошқа биров ўлан солса, бунга хушламайроқ жавоб қайтарган:

Айтишаман дер эдинг мени билан,  
Мени айтгим келмади сени билан.  
Сени айтгинг келганда мени билан,  
Елпиб, елпиб кўяман сени билан.

Айтишайлик деб эдинг мени билан,  
Мени айтгим келмайди сени билан.  
Арулашдан бир хабар келмай қолди,  
Шу қуритиб боради дармонимни<sup>2</sup>.

Ўз ҳаддини билмай, ҳаддидан ошган ўланчини «айниди», «тилидан тойди», деб бошқа ўланчи танбеҳ мазмунидаги ўландан айтиб, уни тартибга чақирган.

Тошкент вилоятидаги Оҳангарон тумани Ертош қишлоғида яшаган Иймоназар охун билан унинг ҳарифдоши Ойбўроз чечан ўртасида бўлиб ўтган айтишувлар халқ орасида ҳали-ҳануз сақланиб келмоқда. Айтишларига қараганда, бир тўйда Иймоназар охун ўз ҳарифдошига қаттиқроқ ҳазил қилмоқ ниятида бепарда сўзларни айтганда бундан қаттиқ ранжиган Ойбўроз бироз хафа бўлган бўлса-да, агар ҳарифдоши бундан кейин ҳам яна айниб ўлан айтса, яъни уятнамо сўзлар ишлатиб анъанани бузишга ҳаракат қилса, «тилининг учини қора қайчи кесиб», «итялоқда ош ялаб куни ўтажаги»ни шундай тасвирлаган:

<sup>1</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. №1657. 23-папка. 4-дафтар. №2.

<sup>2</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. №3331. Папка №135. 1-дафтар.

Унинг ўчсин деганда, унинг ўчсин,  
Қора қайчи тилингнинг учин кессин.  
Яна шуйтиб айниброқ ўлан айтсанг,  
Итялоқда ош ялаб кунинг ўтсин<sup>1</sup>.

Демак, ўзбек халқ ўланчилигида халқ лирикасига хос сўз қўллаш санъати, ижрочи шахсиятининг маънавий-ахлоқий сифатлари, айтувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар, сўзни кадрлаш ва эъзозлаш, ижрочининг бадиий-эстетик қарашлари ўз ифодасини топган.

Учинчи бобнинг «**Ўланларнинг бадиий тасвир воситалари**» номли иккинчи фаслида ўзбек халқ ўланларида қўлланилган ўхшатиш, метафора, рамз, сифатлаш, поэтик такрор, аллитерация каби поэтик воситалар таҳлил қилинган.

Истиора ўзбек фольклорининг қадимий жанрларидан бири ҳисобланган ўланларда ҳам кенг қўлланиладиган бадиий тасвир воситаларидан бири ҳисобланади:

Ўрик, ўрик кўзингдан, ўрик, ўрик,  
Ўртанаман, куяман сени кўриб.  
Ўртангунча, куйгунча сени кўриб,  
Ёнбошимда ўтиргин сочинг ўриб.

Бу ўланда ўланчи ўз «ҳарифи», яъни тарафкаши бўлмиш қизнинг гўзаллиги ва камолотини пишган ўрик мевасига менгзагани ҳолда «ўлан ташлаган». Дастлабки мисрадаги «ўрик, ўрик кўзингдан, ўрик, ўрик» сатрида ифодаланаётган поэтик маъно замирида айнан бўй қизнинг ҳолати назарда тутилган. Ўланнинг «ўртанаман, куяман сени кўриб» мисраси билан эса қизнинг ўрик сингари дарахтнинг баланд қўл етмас шоҳида эканлиги куйланмоқда. Кейинги учинчи ва тўртинчи мисраларда йигит кўп мағрурлик қилмай, пастга туш маъносида «ёнбошимда ўтиргин сочинг ўриб» ифодаси орқали ўзларининг келажак орзуларини ифодаламоқда.

Ўланларнинг матнида белги билдирувчи сўзлар асосида доимий ёки анъанавий эпитетларнинг кенг қўлланилиши кўп кузатилади. Бу жанрга мансуб қўшиқларни матний таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўланларда нарса-предметларнинг ранг-тусини билдирувчи «оқ», «кўк», «қора», «қизил» сингари аниқловчи эпитетлар, шунингдек, «мард», «ботир», «доно» сингари доимий эпитетлар самарали ишлатилади.

Айлатаман, кўзингдан, айлатаман,  
Кўк серкамга кўнғироқ бойлатаман.  
Кўнглимда бир армоним қолиб эди,  
Қўшиқ айтиб сен қизни ўйнатаман<sup>2</sup>.

Ўлан қўшиқлари турмуш тарзи асосан чорвадорлик билан боғлиқ бўлган аҳоли орасида кенг тарқалганлиги сабабли унда чўпонлар ҳаёти билан боғлиқ воқелик кўпроқ тасвирланиши табиий ҳолдир. Юқоридаги бандда

<sup>1</sup> Ёрматов И. Оҳангарон ўзбекларининг этник хусусиятлари ва оғзаки ижодиёти. – Тошкент: Наврўз, 2013. – Б. 138.

<sup>2</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. № 1103.

тасвирланган «кўк» эпитети орқали сурувни бошқариб юрадиган серканинг йириклиги, бақувватлиги кучайтириб баён этилмоқда.

Ола тоғнинг бошидан кўч келади,  
Қора йўрға селкиллаб бўш келади.  
Ўз ёрингдан айрилиш ёмон экан,  
Қора кўздан мўлтиллаб ёш келади.

